
“Инсон” ижтимоий хизматлар маркази томонидан сайёр қабул ўтказилди

Учкўприк тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази томонидан “Фаровон” маҳалла фуқаролар йиғинида фуқаролар учун навбатдаги сайёр қабул ўтказилди.

“Инсон” ижтимоий хизматлар маркази раҳбари Авазбек Мелиқўзиев иштирокида ўтказилган қабулда 18 нафар фуқаронинг мурожаатлари кўриб чиқилди.

Сайёр қабул давомида болалар нафақаси тайинлаш масаласидаги 6 та мурожаат ижобий ҳал этилди. Шунингдек, 8 нафар мурожаатчига ҳуқуқий тушунтириш берилди, қўшимча ўрганилиши лозим бўлган 4 та мурожаат тегишлилиги бўйича масъулларга йўналтирилиб, ижроси назоратга олинди.

2024-11-02 15:34:55